

Qishloq Xo‘jaligi Mahsulotlari Narxlarini Shakllantiruvchi Omillar Va Ularni Ekonometrik Yondashuv Asosida Baholash.

Qarshi davlat texnika universiteti Metrologiya va materialshunoslik muhandisligi kafedrasida dotsenti

To‘rayev Zuxriddin Baxodirovich

Qarshi davlat texnika universiteti Biznes va boshqaruv kafedrasida assistenti

To‘rayev Parda Baxodirovich

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekistondagi mavjud qishloq xo‘jaligi mahsulotlari narxlarini shakllantiruvchi omillar va ularni ekonometrik yondashuv asosida baholash klasterlari faoliyatiga ta’sir etuvchi omillarning ekonometrik tahlili amalga oshirilgan hamda ularni baholash metodologiyasi takomillashtirilib, prognoz ko‘rsatkichlari bo‘yicha ilmiy tavsiyalar ishlab chiqilgan. Tadqiqot bo‘yicha ma’lumotlar ko‘p o‘zgaruvchili vaqtli qatorlarga asoslanganligi uchun ekonometrik modellarni ishlab chiqishda avtoregressiv taqsimlangan kechikish (ARDL) modeli qo‘llanildi.

Kalit so‘zlar: iqtisodiy tahlil, paxta-to‘qimachilik klasterlari, iqtisodiy samaradorlik, ekonometrik tahlil, prognoz ko‘rsatkichlari.


Abstract: This article presents an econometric analysis of the factors that shape the prices of agricultural products in Uzbekistan and the factors affecting the activity of clusters, their assessment based on an econometric approach, and improves the methodology for their assessment, and develops scientific recommendations on forecast indicators. Since the data for the study are based on multivariate time series, the autoregressive distributed lag (ARDL) model was used to develop econometric models.

Keywords: economic analysis, cotton-textile clusters, economic efficiency, econometric analysis, forecast indicators.

Аннотация: В данной статье представлен эконометрический анализ факторов, формирующих цены на сельскохозяйственную продукцию в Узбекистане, и факторов, влияющих на деятельность кластеров, их оценка на основе эконометрического подхода, а также усовершенствована методология их оценки и разработаны научные рекомендации по прогнозным показателям. Поскольку данные для исследования основаны на многомерных временных рядах, для разработки эконометрических моделей использовалась авторегрессионная модель с распределенными лагами (ARDL).


Ключевые слова: экономический анализ, хлопчатобумажные и текстильные кластеры, экономическая эффективность, эконометрический анализ, прогнозные показатели.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан саналади. Бугунги кунда республикамызда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқарувчилари – фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларидан иборат. Аграр тармоққа инновацияларни кенг жорий қилиш, заминимизда етиштирилаётган хом ашёни ўзимизда қайта ишлашни чуқурлаштириш бугунги замон талаби ҳисобланади. Зеро, қишлоқ хўжалиги қанчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалади. Шу боис, Ўзбекистонда кейинги йиларда илғор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПФ5708 сонли «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда «агробизнеснинг кластер моделини кенг жорий этиш чоратадбирларини амалга ошириш, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва



ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни узоқ муддатли истиқболда янада чуқурлаштириш, уларни тизимли равишда амалга ошириш, жумладан, аграр соҳадаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инвестицион самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичларини янада ошириш орқали жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга эришиш каби қатор муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” қабул қилинди. Ушбу стратегияда қишлоқ хўжалигини кластер тизимида ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Умумий маънода, ишлаб чиқариш кластери иқтисодийнинг бир хил ёки бир-бирига боғлиқ соҳаларида фаолият юритадиган ва географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган корхоналар гуруҳидир. Бу корхоналарнинг технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлиши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, ушбу корхоналар битта умумий мақсад учун – рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирлашган. Кластер - бу қўшилган қиймат занжирининг барча иштирокчиларини (фермерлар, қайта ишловчи корхона, экспортёр) бир мақсад сари жамлаган корхоналар гуруҳи. Кластерлар тизими – бу хом-ашё етиштиришдан бошлаб то қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёларни қамраб олган бир бутун тизим. Бугунги кунда дунёнинг етакчи давлатлари ушбу тизимдан кенг фойдаланиб келмоқда. Агрокластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантиришнинг тараққий этган мамлакатлар амалиёти таҳлили кўрсатишича, ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион ишлаб чиқариш технологияларига асосланган, замонавий техника-технологиялар билан жиҳозланган агросаноат кластерлари фаолияти сезиларли даражадаги салмоққа эга ҳисобланади. Жумладан, АҚШнинг Калифорния, Вашингтон, Оклахома, Луизиана штатларида дунёдаги энг йирик ҳудудий агрокластерлар жойлашган бўлса, Европа Иттифоқи мамлакатларида (Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция, Нидерландия, Дания ва бошқа мамлакатлар) юқори технологияли агрокластерларни ривожлантиришга устуворлик қаратилади. Сўнгги йилларда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари – Хитой, Сингапур, Япония ва шу каби бошқа мамлакатлар амалиётида агрокластерлар фаолиятини ташкил этишнинг инновацион ва ҳудудий шакллариининг аралаш ҳолда қўллаш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ислохотларга устуворлик берилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этиш, ушбу соҳада давлат бошқарувини тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида вужудга келаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига бозор механизмини босқичма-босқич татбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш, сотиш билан шуғулланувчи агробизнес вакиллариининг иқтисодий муносабатлардаги иштироки бўйича ҳуқуқий асосни такомиллаштириш ва уларни янада мустақамлаш, аграр соҳага жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини жаҳондаги етакчи технологияларга асосланган ҳолда, замонавий техник воситалар билан қуролланган агрокластерларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган амалий ишларга устуворлик қаратилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни узоқ муддатли истиқболда янада чуқурлаштириш, уларни тизимли равишда амалга ошириш, жумладан, аграр соҳадаги ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг инвестицион самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг глобал рақобатбардошлиги кўрсаткичларини янада ошириш орқали жаҳон бозорларида муносиб ўрин эгаллаш, мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш



салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга эришиш, каби қатор муаммоларни ижобий ҳал этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари кўплаб омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Иқлим ўзгаришлари, мавсумийлик, талаб ва таклифдаги ўзгаришлар, иқтисодий шароитлар каби омиллар нархларнинг беқарорлигига олиб келади. Бу еса фермерлар, дистрибюторлар ва истеъмолчилар учун ноаниқликларни келтириб чиқаради. Нархларни олдиндан прогноз қилиш қишлоқ хўжалиги соҳасида муҳим аҳамиятга ега бўлиб, бу орқали режалаштириш, ресурсларни тақсимлаш ва хавфларни бошқариш самарадорлигини ошириш мумкин.

Анъанавий статистик усуллар нархларни прогноз қилишда қўлланилган бўлса-да, сўнгги йилларда сунъий интеллект технологиялари, хусусан, сунъий нейрон тармоқлари (СНТ) ва автокорреляцион интеграцияланган ҳаракатланувчи ўртача (АРИМА) моделларидан фойдаланиш кенгаймоқда. СНТлар мураккаб нисбийликларни ўрганиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилишда самарали бўлса, АРИМА модели вақт қаторларини таҳлил қилишда кенг қўлланилади. Ушбу моделлар ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини прогноз қилиш орқали бозор таҳлилини яхшилаш ва иштирокчиларнинг қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини прогноз қилиш учун сунъий нейрон тармоқлари (СНТ) ва АРИМА моделларидан фойдаланиш мумкин. АРИМА модели вақт қаторларини таҳлил қилишда кенг қўлланилади ва қуйидаги кўринишга ега:

$$y_t = c + \phi_1 y_{t-1} + \phi_2 y_{t-2} + \dots + \phi_p y_{t-p} + \theta_1 \varepsilon_{t-1} + \theta_2 \varepsilon_{t-2} + \dots + \theta_q \varepsilon_{t-q} + \varepsilon_t$$

Бу йерда:

y_t – t моментдаги кузатилган қиймат;

c – доимий коэффициент;


ϕ_i – авторегрессив компонент коэффициентлари;

θ_j – ҳаракатланувчи ўртача компонент коэффициентлари;

ε_t – тасодифий хатолик[1].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Qishloq xo'jaligi mahsulotlari elektron savdosida narxlarni prognoz qilish va bozor tahlili uchun AI asosida model yaratish Soliyev Bahromjon Nabijonovich, Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU Farg'ona filiali kata o'qituvchisi
2. Ruzmetov D. I., Saidov M. D. (2025). Development of small business and private business entities through the allocation of preferential loans.
3. Mukhibova G. Ya., Sharifkhadjayeva O. U., Torabekova O. Improving the efficiency of small business and entrepreneurial activities through strategic planning.
4. Saparboyev A. M. Criteria and indicators for assessing the effectiveness of small business and private enterprise.
5. Decrees and decisions of the president of the Republic of Uzbekistan on the development of small business.
6. Porter M. E. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors. — Free Press.
7. Ministry of Economy and finance of the Republic of Uzbekistan. Reports on small business and private enterprise.



-
8. Statistical Agency of the Republic of Uzbekistan. Industrial and small business statistical collections.